

Муҳаммад Алининг турли суҳбатларда айтган гаплари



09:00 / 05.05.2021 3764

Сизнинг қайси миллатга мансублигининг Холиққа нима аҳамияти бор? Аввало, сиз инсонсиз. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутманг. Миллатингиз билан фахрланманг, чунки ёмон ёки яхши миллатлар йўқ. Худо учун ҳаммамиз тенгмиз.

* * *

Агар мен сизга бу стаканни кўрсатиб, уни ҳеч ким ясамаган, десам, нима дейсиз? У ўзини ўзи яратган, десам ишонасизми? Йўқми? Агар биз жамланиб турган бу телевидение йўқдан пайдо бўлган, бирон-бир одамнинг қўли тегмаган, десам мени ақлдан озганга чиқарасиз. Кийган кийимларингиз ўзи тикилган, ҳеч қанақа тикувчи йўқ деган гапимга эса

ишонмаслигингиз тайин. Аммо кийимларингиз ўзини-ўзи яратмаган, бу стакан ўзи пайдо бўлмаган, бу бино ўзини ўзи қурмаган бўлса, унда қандай қилиб ой осмонда пайдо бўлиб қолди?! Юлдузлар-чи... Юпитер, Нептун, Марс ва Қуёшчи? Табиатни нима дейсиз ...?! Қанақасига шунча нарсанинг Яратувчиси бўлмаслиги мумкин?! Шунингдек, мен биз бир куни савол-жавоб қилинишимизга ишонаман. Масалан, Гитлер каби инсониятни қирган одам қутулиб қолиши мумкинми? Одил Зот уни бу дунёда бўлмаса, ўлимдан кейин жазолайди.

* * *

Биз бошқаларга қанчалик кўп ёрдам берсак, ўзимизга шунчалик кўп ёрдам берган бўламиз.

* * *

Муносиб жавоб бера олмаганингда сукут олтиндир.

* * *

Худо инсонга у кўтара олмайдиган юкни юкламайди.

* * *

Мен чекмайман, лекин чўнтагимда гугурт қутисини олиб юришни канда қилмайман. Қалбимда гуноҳ қилишга мойиллик пайдо бўлганида, мен гугуртни ёқиб, кафтимни унга тутаман. Кейин ўзимга-ўзим: «Али, сен бу ҳароратни кўтаролмайсан, шундай экан жаҳаннамнинг чидаб бўлмас оташигақандай бардош берасан?» дейман.

* * *

Тушларингизни рўёбга чиқаришнинг энг яхши усули – уйғонишдир.

* * *

Тўғри бўлганингизда, буни ҳеч ким эсламайди. Ва хато қилишингиз билан ҳеч ким уни унутмайди.

* * *

Мен учун энг оғир жанг Паркинсон касаллиги билан курашиш. Йўқ, у оғриқ бермайди. Бу ҳолатни тушунтириш қийин. Мени албатта имтиҳон қилинаяпман: ибодатда бардавомманми, иймонимни сақлаб қола

оламанми? Аллоҳ барча ўзига яқин одамларни синовдан ўтказди.

* * *

Хўроз фақат ёруғликни кўрганда қичқиради. Уни зулматга қўйиб қўйин, у ҳеч қачон қичқирмайди. Мен ёруғликни кўрдим ва мен қичқираман.

* * *

Оқиллик сен қачон аслида ҳеч нарса билмаслигингни билишингдир.

* * *

Мени ким билан учрашишни исташимни сўраяпсизми? Муҳаммад пайғамбар билан!

* * *

Мен ўзимга суюкли Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг исмларини танлаганман ва одамларнинг у зотнинг исмларини оёқ ости қилишларига йўл қўёлмайман.

«Ҳилол» журналининг 3 (24) сонидан